

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

272 Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал
авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидалари-
рига (ЎзР АҚ-160) ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғри-
сида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1734-3*

(2012 йил 23 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 февралдаги 90-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 2004 й., 2-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низомга мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 10 сентябрдаги 138-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидаларига (ЎзР АҚ-160) (рўйхат рақами 1734, 2007 йил 29 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 44-сон, 448-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бошлиқ

Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 21 май,
48-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

Ўзбекистон Республикаси
Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғининг 2012 йил
21 майдаги 48-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси
аэродромларини сертификатлаш қоидаларига (ЎЗР АҚ-160)
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиациясида аэродромларни эксплуатация қилиш бўйича яроқлилик нормалари» авиация қоидаларида (ЎЗР АҚ-153) белгиланган талаблар, мазкур Қоидалар мақсадлари учун сертификатлаш талаблари ҳисобланади».

2. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Йўловчи, багаж ва юкларни ташиш учун мўлжалланган аэродром «Ҳаво транспортида йўловчи ва багаж ташиш қоидалари» (рўйхат рақами 2238, 2011 йил 29 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 26-сон, 275-модда) ва Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли юкларни ҳаво транспортида ташиш қоидалари»да (ЎЗР АҚ-198) (рўйхат рақами 1721, 2007 йил 25 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 39-сон, 407-модда) белгиланган талабларга жавоб бериши керак».

3. 3-иловининг 4-қисми қуйидаги мазмундаги «ж» кичик банд билан тўлдирилсин:

«ж) Аэродромда ўрнатилган метеорологик асбоб-ускуналар рўйхатининг йиғма жадвали, қуйидаги маълумотларни келтирган ҳолда: буюм тури, заводдан берилган рақами, тайёрланган санаси, фойдаланиб бошланган сана ва текширилган санаси».

4. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази билан келишилган.

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Гидрометеорология хизмати
маркази бош директори*

В. ЧУБ

2012 йил 18 май